


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти магистратура
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишилдидир.

МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти мутахассислигининг умумий тавсифи.....</i>	4
1.1.	<i>Кўлланиш соҳаси</i>	4
1.1.1.	<i>70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши</i>	4
1.1.2.	<i>Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....</i>	4
1.2.	<i>70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи.....</i>	4
1.2.1.	<i>70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i>	4
1.2.2.	<i>70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>	4
1.2.3.	<i>70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари</i>	5
1.2.4.	<i>70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари</i>	5
2.	<i>70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>	6
2.1.	<i>Умумий компетенциялар.....</i>	6
2.2.	<i>Касбий компетенциялар.....</i>	7
	<i>Библиографик маълумотлар.....</i>	8
	<i>Келишув вараги</i>	9

1. 70220502–Шарқ фалсафаси ва маданияти магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70220502–Шарқ фалсафаси ва маданияти магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. 70220502–Шарқ фалсафаси ва маданияти магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70220502–Шарқ фалсафаси ва маданияти магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.**

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70220502–Шарқ фалсафаси ва маданияти мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70220502–Шарқ фалсафаси ва маданияти мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70220502 – Шарқ фалсафаси ва маданияти – “Гуманитар фанлар” соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва гарб тилларини ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида, хорижий шарқ мамлакатлари билан боғлиқ давлат ва жамоат ташкилотлари; турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда соҳага оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек касбий кўнкимага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 70220502–Шарқ фалсафаси ва маданияти мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва гарб тилларини ўқитиш бўйича педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида шарқ тилишунослиги соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;

- давлат ва маҳаллий бошқарув органларида бошқарув жараёнлари;

- иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида таржимонлик ва иш юритишини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари.

1.2.3. 70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;

- педагогик фаолият;

- маънавий-маърифий фаолият;

- ташкилий-бошқарув фаолияти;

- турли хизматлар кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўtkазиш, тажриба натижаларини таҳлил килиш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий янгиликларни кашв этиш;

- илмий мақолалар, маъruzalalar, risola, ўкув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir килиш, ўtkazilaётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳакидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;

- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўtkazish ҳамда фаол иштирок этиш;

- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўкув-услубий фаолият юритиш;

- ўкув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўkitishning техник воситаларидан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўtkazish;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўкув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкиллаштириш методикасини эгаллаш, ўкувчилар онгига миллый истиқлол ғоясини сингдириш жараённида Шарқ фалсафаси тарихидаги илғор ғояларнинг таҳлили натижаларини қўллаш;

- бугунги таҳликали дунёда маънавий-мафкуравий таҳдидлар моҳиятини англаш,

- уларга қарши курашиш усул ва воситаларини билиш;

- талабаларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага

- келтириш метод ва технологияларидан фойдаланиш;

- глобаллашув шароитида юзага келган маънавий таҳдидлар ҳамда уларга қарши курашда Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг маънавий меросида ўз аксини топган ахлоқий қадриятларга мурожаат этилишининг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал сұхбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишида умуминсоний қадриятлар, меҳрмурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда консалтинг хизмат кўрсатиши фаолиятида:

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, хисоб-китоб ва таҳлил килиш бўйича услубий кўрсатмалар, хукукий ҳамда меъёрий-хукукий ҳужжатлар ишлаб чиқиши;
- қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иктисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини хисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари варианtlарини ишлаб чиқишида ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик хисботни олиб боришни ташкил этиш, хисботларни тузиш тартибларини аниқлаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- мутахассислик бўйича оила, гендер, демографик сиёсат, бандлик муносабатлари, иктиносий-ижтимоий ва демографик жараёнларга баҳо бериш ҳамда жараёнлар прогнозини ишлаб чиқиши;
- шарқ ва ғарб тиллари бўйича таржима ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

**2. 70220502-Шарқ фалсафаси ва маданияти таълим мутахассислиги
бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган
талаблар**

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктиносий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;
- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хукукий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустакил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўнукмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиш, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўнкимларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишини билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўнкимларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўнкимларига эга бўлиши;

- Шарқ фалсафаси ва маданияти бўйича илмий тадқиқотлар методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хulosаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини била олиш;

- Шарқ фалсафаси ва маданиятининг назарий муаммоларини тадқиқ этиш учун зарур материалларни излаб топиш, тасниф қилиш ва тизимли асосда таҳлил қилиш учун тегишли усулларни;

- Шарқ фалсафаси ва маданиятига тегишли илмий-назарий адабиётлар ва манбаларни излаш ҳамда улар билан ишлаш усулларини;

- Марказий Осиё ҳалкларининг табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий меросини; Якин ва Ўрта Шарқ ҳалклари ижтимоий-фалсафий фикрлари (VIII-XVIII асрлар) хусусиятларини; Янги ва энг янги давр Шарқ фалсафаси, Замонавий Farb фалсафасининг муаммолари ва йўналишларини; глобаллашув шароитида миллий маданиятлар ривожига оид муаммоларни; Шарқ ва Farb фалсафасидаги антропологик муаммоларни қиёсий таҳлил этишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўкув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув цикли, Шарқ фалсафаси ва ориенталистиканинг умумназарий масалалари; Марказий Осиё халқларининг табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий мероси, замонавий цивилизация ривожида тутган ўрни; Замонавий Шарқ фалсафаси; Замонавий Фарб фалсафаси, Шарқ халқлари маданияти ва фалсафий анъаналарининг ўзаро алоқадорлиги; шарқ тилларидағи қадимий ва замонавий фалсафий манбаларни илмий мулоқотга киритиш; глобаллашув шароитида миллий маданиятлар трансформацияси; маънавий-мағфуравий таҳдидлар; “оммавий маданият”, “маданий дипломатия”, маданий алоқаларни ривожлантиришга оид назарий қарашлар, гипотезалар, усууллар, меъёрий-хуқукий ҳужжатлар; илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқикот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, илмий-тадқикотларни ташкил килиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети



Ректор Г.Ш.Рихсиева

2021 йил « 18 » 08

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълим министри
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б. М.Эсанов

2021 йил « 18 » 08

Республика Маънавият ва маърифат
маркази

Рахбар М.Хожиматов

2021 йил « 18 » 08



Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Абу Райхон Беруний
номидаги Шарқшунослик институти

Директор Б.Абдухалимов

2021 йил « 18 » 08

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети

Ректор И.Мажидов

2021 йил « 18 » 08

М.У.

